O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 апрель жума
Сотувда эркин нархда
№ 83-84 (2911-2912)

Ўзбекистон — АҚШ:

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифидан сўнг Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортди ва Юртбошимизнинг АҚШга ташрифи давомида имзоланган турли соҳаларда яқин ҳамкорлик ҳақидаги қатор ҳужжатлар бунга ёрқин мисол бўла олади.***

Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Бахромов бошчилигидаги делегация вакилларининг Америка томонининг таклифи билан Вашингтонга қилган ташрифи, уларнинг АҚШнинг монополияга қарши давлат органлари ҳисобланган Федерал Савдо комиссияси (ФСД) ва Адлия департаменти антитраст бўлими раҳбарлари ва мутахассислари билан учрашувлари ўзаро ишонч ҳамда манфаатли ҳамкорлик руҳида ўтди.

Дунёнинг етакчи давлатига қилинган ушбу ташрифдан кўзланган мақсад - икки мамлакатнинг монополияга қарши органлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ва янада яқин ҳамкорлик асосларини шакллантиришдан иборат эди. Шунингдек, ушбу ташриф чоғида иқтисодиётнинг турли жабҳаларида монополияга қарши ишларнинг қатор масала ва муаммоларини муҳокама этиш ҳам кўзда тутилган эди.

Масалан, Федерал Савдо комиссияси ва Адлия департаменти вакиллари билан ўтказилган учрашувлар давомида табиий монополиялар — телекоммуникация, юкларни темир йўллар орқали ташиш, электр энергетикаси, табиий газ соҳаларида монополияга қарши ишларни тартибга солиш масалалари кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор Федерал Савдо комиссияси ва Адлия департаментининг ушбу соҳадаги тузилмавий туб ўзгаришларни амалга ошириш тажрибаси ва уларнинг мамлакатимиз шароитида афзаллик томонлари муҳокамасига қаратилди.

Шунингдек, томонлар қўлланилаётган тартибга солиш чора-тадбирлари, қонунчилик бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш тизими бўйича ҳам тажриба алмашди. Монополияга қарши тартибга солиш ишларининг қонунчилик базаси ҳам таҳлил этилди. Ушбу ишлар муҳокамаси давомида муайян ҳолат бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари алоҳида муҳокама этилди. Муҳокама давомида америкалик ҳамкорлар Федерал Савдо комиссиясининг Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бюроси ҳузуридаги Истеъмолчилар маркази фаолияти билан таништиришди. Бюро директори ўринбосари Хью Стивенсон билан учрашув чоғида Монополияга қарши қўмитанинг халқаро миқёсда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқишдаги иштироки истиқболлари муҳокама этилди.

Халқаро техник ёрдам директори Жеймс Хамилл, бош маслаҳатчи Вильям Ковасик билан ўтказилган учрашувларда кооперация ва халқаро ҳамкорлик масалалари, тажриба алмашиш, муайян ҳолатларни кўриб чиқишда ёрдам бериш имкониятлари муҳокама этилди. Америка томони халқаро монополияга қарши тартибга солишни амалга оширишда доимий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Бундан ташқари, вакилларимизнинг Федерал Савдо комиссияси раиси Тимоти Мурис билан Федерал Савдо комиссияси ва Адлия департаментининг Антитраст бўлими тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари, Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш.Ҳамроқулов иштирокидаги расмий учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашув чоғида америкалик ҳамкорлар республикамизнинг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги тўғрисидаги расмий хатни топширди. Ушбу ҳужжатда маълумот алмашиш ва рақобат сиёсатининг ўзаро қизиқиш туғдирувчи айрим жиҳатларини муҳокама этиш тўғрисида истак баён этилган. Шунингдек, Америка томони ушбу ҳужжатда техник ёрдам кўрсатиш имкониятлари мавжудлигини ҳам таъкидлаган.

**(ЎзА).**

## Тошкент кичик халқа йўли






*Пойтахтда унинг қурилишини ниҳоясига етказиш ишлари жадал олиб борилмоқда.*

*Бултур Тошкентдаги кичик халқа йўлининг бир қисми ишга туширилганидан хабардорсиз. Мустақилликнинг ўн бир йиллиги нишонланадиган йилда ҳам бу миқёси ва кўлами кенг иш давом эттирилмоқда. Хусусан, айни кунларда Усмон Носир ва «Фарҳод» кўчалари кесишган жойда улкан кўприк қурилмоқда. Кичик халқа йўлини бирлаштирувчи мазкур янги кўприкнинг узунлиги 135 метр, эни эса 34 метрдир.*



**СУРАТЛАРДА: иш юритувчи Раҳимжон Холиқов ва ишчи Мария Подмарёва лойиҳа билан танишмоқдалар; янги кўприк кун сайин қад ростламоқда; электрпайвандловчи Кязим Мамин.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Тақдимот

## «ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОБИДАЛАРИ»

Кеча пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон ислом обидалари» фотоальбомининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тақдимот маросимини Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқариб борди.

Альбом мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўзбек, инглиз, араб тилларида чоп этилди. Буюк Ипак йўли устида жойлашган қадимий Бухоро, гўзал Самарқанд, кўҳна Термиз, Хива, Тошкент шаҳарларида сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар альбомнинг асосини ташкил қилади. Альбомга мамлакатимиздаги 74 та обиданинг кенг қамровли фотолавҳалари киритилган. Шўролар даврида харобага айлантирилган 19 та обиданинг оқ-қора фотосурати ҳам жойлаштирилган.




Шунингдек, тақдимотда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, академик Н. Иброҳимов, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ал-Энези Дахир ва бошқалар альбомда ўзбек замини юксак исломий тамаддун ва маданият бешиги экани, унинг мусулмон оламига хос ғоят ноёб осори атиқаларга бойлиги, бу обидалар собиқ мустабид даврида топталгани, мустақиллик йилларида эса тикланиб, янгича қадр-қиммат касб этаётгани очерклар, фотолавҳалар, маълумотлар асосида ишонарли тарзда очиб берилганлиги ҳақида гапирдилар ҳамда бундай хайрли ишларга раҳнамолик қилаётгани учун мамлакатимиз Президентига ташаккур билдирдилар.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов иштирок этди.

**Э. БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Олий Мажлисда

## МАТБУОТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

***Бугунги тезкор давримизда оммавий ахборот воситалари қандай ўрин тутади? Уларнинг ғоявий-сиёсий таъсирчанлигини ошириш, ҳаёт билан ҳамоҳанг қадам ташлашига эришиш учун нималарга эътибор бериш лозим?***

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу каби масалалар атрофида фикр юритилди. Йиғилишни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов олиб борди. Унда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда вилоятда 39 та газета чоп этилмоқда. Шундан 2 таси вилоят ҳокимлиги, 16 таси туман ва 9 таси шаҳар ҳокимликлари муассислигида чоп этиладиган нашрлар. Барча газеталарнинг бир марталик тиражи 76 минг нусхани ташкил этади. Бу икки ярим миллион аҳоли истиқомат қиладиган вилоят учун жуда оз, албатта. Маҳаллий матбуот нашрларида ўткир танқидий чиқишларга кам ўрин ажратилаётир, долзарб ҳаётий масалаларни ёритишда сусткашликка йўл қўйилаяпти.

Матбуот — ҳаёт ойнаси. Шу маънода вилоят ижтимоий турмушида радио ва телевидениенинг таъсир кучи ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда туман ва шаҳарларда 5 та телестудия, 1 та радиостанция, 5 та кабель студияси фаолият кўрсатмоқда. Теле ва радиостудияларнинг бир кунлик эфир вақти 6-8 соатни ташкил этади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратиб, ўз мухлисларининг ишончини қозонмоқда. Бир қатор туман ва шаҳар газеталарининг ана шу йўналишдаги фаоллигини ҳам маъқуллаш керак. Чунончи, Қибрай туманининг «Давр овози», Ангрен шаҳрида чиқадиган «Ангрен ҳақиқати» газеталарида тараққиётимизга ғов бўлаётган камчилик ва мавжуд муаммолар ҳақида жиддий мақолалар эълон қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз. Тошкент, Янгийўл туман газеталари аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган.

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШГА ЭЪТИБОР

***Ҳудудларда хорижий инвестиция иштирокида корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Идоралараро ишчи гуруҳ раиси Р. Азимов бошқарди.***

Мажлисда 2002 йил I чорагида ишлаб чиқариш қўшма корхоналари ташкил этиш дастурининг прогноз кўрсаткичлари ижросининг бориши кўриб чиқилди. Жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 81 та корхона ташкил этилиши режалаштирилган, улардан 2002 йилнинг 1 апрелигача 10 таси ташкил этилди. Идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари ва ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарларининг эътибори юқорида айтиб ўтилган қўшма корхоналарнинг аксарияти II ва III чоракда ташкил этилиши кўзда тутилганлигига қаратилди. Шу муносабат билан амалий чоралар кўриш ва ҳудудий ишчи гуруҳлар саъй-ҳаракатларига зарур шароит яратиш ва Дастурда белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тайёргарлик ишларини тугаллашга йўналтириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Дастур доирасида 2001 йилда ташкил этилган 92 та қўшма корхонадан бугунги кунга келиб 11 таси фаолият кўрсатмаётгани, шу жумладан Жиззах вилоятида 3 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Фарғона вилоятида 2 та, Сирдарё, Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятларида биттадан қўшма корхона ишламаётгани ишчи гуруҳ томонидан қайд этилди. Шу муносабат билан ҳокимлар ўринбосарлари - ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарларига қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслиги сабабларини ўрганиш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашга қаратилган чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Мажлисда бугунги кунгача бирорта қўшма корхона ташкил этилмаган Бўз, Ховос, Шуманай, Бўзатов, Қораўзак, Нуробод, Сўх ва Бўка туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Мазкур туманлар ҳокимларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишларнинг қониқарсизлиги ва бу масалага расмиятчилик билан ёндашилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ваҳоланки, мазкур ҳудудларда бунинг учун барча зарур шароит мавжуд.

Уларнинг келгуси ойларда қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги ваъдалари маълумот учун қабул қилинди ва 2002 йилнинг IV чорагида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини қайта эшитишга қарор қилинди.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, туман ҳокимлари фаолиятини баҳолашда хорижий инвестицияларни жалб этиш, улар бошқараётган ҳудудларда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий ишлар асосий мезонлардан бири бўлиб қолади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Идоралараро ишчи гуруҳнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ОМБУДСМАН» КИТОБИ БИЛАН ТАНИШУВ

Кеча Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузуридаги Маслаҳатлашув кенгаши йиғилишида яқинда нашрдан чиқарилган «Ўзбекистонда Омбудсман» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Очиқ жамият институти — кўмак жамғармаси ҳамкорлигида чоп этилган ушбу китоб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўтган давр ичидаги фаолияти ва бу борадаги хориж тажрибаси хусусида ёзилган қатор мақолалардан иборат бўлди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур китоб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институтини янада ривожлантириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, йиғилишда Маслаҳатлашув кенгаши аъзоларига Омбудсманнинг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Йиғилишда элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАФАККУРДАГИ ЎЗГАРИШ

***Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётганига гувоҳ бўлиб турибди. Ислоҳотлар жараёни жамиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилмоқда. Республикада бўлаётган ўзгаришларни баҳолашда жамоатчиликнинг фикри қандай, уларнинг тафаккури ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар давомида қандай ўзгармоқда? ЎзА мухбири «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Раъно Убайдуллаевага ушбу саволлар билан мурожаат қилди:***

— Жамоатчилик фикрини кўп бора ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар аҳоли онгида халқимиз босиб ўтган тарихий йўлга янгича, чуқур ва атрофлича ёндашув шаклланаётганидан далолат беради. Бундай қараш миллий ўзликни англаш ва шахснинг жамиятдаги ўрнига бўлган жиддий муносабатда намоён бўлмоқда. Сўралганларнинг аксарияти шундай фикрда.

Борган сари фуқароларнинг ўз фуқаролик нуқтаи назари ва ватанпарварлик туйғуси мустаҳкамланиб бораётгани кузатилмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг 70 фоизи Ўзбекистон тарихи, маданияти, халқимизнинг анъаналари ва урф-одатлари, лўнда қилиб айтганда, ўзбек халқи тараққиёти асосларини янада яхшироқ билиб олиш иштиёқида эканликларини изҳор этади. Бунда улар фуқаролар тотувлиги ва ватанпарварлик масъулиятини жамиятни бирлаштирувчи омил дея ҳисоблайди.

Мамлакатимиз фуқароларига хос шахсий хислатлар ўзгаришини тавсифловчи сўровлар натижалари эътиборга лойиқдир. Улар орасида анъаналарга амал қилиш, халқимиз тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш, оила ва фарзандларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатсеварлик, қарияларни эъзозлаш, андиша, ҳақгўйлик, қонунга риоя қилиш, интилувчанлик, миллатлараро бағрикенглик каби хислатлар ажралиб туради.

Фуқароларимиз онгида содир бўлган ўзгаришларнинг ўзига хос муҳим томони — бу давлат биз учун ҳамма нарсани қилиб беради, деган хомхаёл, боқимандалик кайфиятидан аста-секин узоқлашиб, «оила ва Ватан фаровонлиги учун яхшироқ ва кўпроқ меҳнат қилишга» интилишдир. Масалан, ўтказилган охирги сўровлардан бирида иштирок этганларга фуқаролик мажбуриятларига шахсий муносабатини ифодаловчи бир қанча мулоҳазалар таклиф этилди. Уларнинг 49,2 фоизи «давлатимиз бизга барча шарт-шароитни яратиб беряпти, шундай экан яна нималарнидир талаб қилиш ножоиздир», деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг 20,7 фоизи: «Биз онгли фуқаролар бўлишимиз, янада яхшироқ ва кўпроқ ишлашимиз керак», деган фикрда. Уларнинг яна шунча фоизи эса «шахсий манфаатлардан воз кечиб бўлса ҳам давлатимизга ёрдам беришимиз керак», дея ҳисоблайди. Давлати олдидаги масъулият даражасининг юқорилиги Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётганидан далолат беради.

**— Раъно Аҳатовна, фуқаролар фикрича, мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётида эришган энг муҳим ютуқлар нималардан иборат?**

(Давоми 2-бетда).

***«Ёзёвон», «Ёзиёбон», тарихий манбаларда, туркий ёдномаларда қайд этилишича, «ёзи яхши» дегани. Балки бу унинг водий Мирзачўли — Марказий Фарғонанинг қоқ марказида жойлашгани, воҳанинг жазирамали лекин сахий қуёши саховатига нисбатан самимий ишорадир. Ёзёвон яна водийдан Шарқу Ғарбга, Помирдан Тян-Шанга қадар элтувчи йўллар кесишган чорраҳада жойлашган диёр. Саид Аҳмаднинг машҳур «Уфқ» трилогиясини «дунёга келтирган», чўл қаҳрамонларига Ватан бўлган воҳа. Энди водийда ана шу сифатларга қўшимча равишда «Ёзёвон — фермерлар юрти» деган ибора ҳам бот-бот ишлатиладиган бўлди.***




Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланиб келган ерлар тўла ҳажмда фермерлар ихтиёрига бериладиган бўлди. Бу борада Ёзёвоннинг танланганн бежиз эмас. Агар туманнинг бундан атиги учтўрт йил аввалги иқтисодий ҳолатига назар ташланса, манзара ойдинлашади қолади. Дон, пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари юзасидан белгиланган шартномавий режалар муттасил уддаланмас, тармоқдаги иқтисодий ҳолат йилма-йил ёмонлашиб, хўжаликлар таназзулга юз тута бошлаганди.

Ана шундай инқироз йилларида фермерлик ҳаракати, улар эришаётган ютуқлар умид учқунларини порлатди. Тумандаги илк фермер хўжалигига бундан роса 10 йил аввал, 1992 йилда «Хонобод» ширкат хўжалигига асос солинган эди. Раҳматжон Шодиев бошчилик қилган мазкур хўжалик дастлаб чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлса, ҳозир кенг тармоқли агрофирмага айланди.

Туман ҳокимлиги қолоқлик ботқоғидан чиқишнинг ягона йўли фермерлик ҳаракати, деҳқон хўжаликларига кенг имконият яратиб бериб, уларни ривожлантиришда эканлигини вақтида, тўғри англаб етди. Ахир ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг: ўтган асрнинг сўнгги 10 йиллигида туманда пахта тайёрлаш режаси атиги 2 марта, унда ҳам кузнинг адоғида, қишнинг пойида зўр-базўр уддаланди. Бир пайтлар чўлни ўзлаштириш, биёбонни хиёбонга айлантириш умидида келганларнинг умидлари саробга айлана бошлади. Чўлнинг ичкарисига кириб борганларни эса барханлар «суриб» чиқара бошлади. Айрим чўлкуварлар барханлар устига тикланган капаларини бузиб, обрўйи борида «жуфтакни ростлаб» қолишди. Тўқсонинчи йилларнинг охирига келиб эса, туманда том маънода иқтисодий инқироз юзага келди. 11 та жамоа хўжалигининг 4 таси тўлов қобилиятини йўқотгани учун иқтисодий ночор корхоналар қаторига ўтказилиб, санация усули қўлланилди. Ўша йили туман хўжаликлари 27,7 миллион сўм зарар кўрган эди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАФАККУРДАГИ ЎЗГАРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Республикамиз аҳолиси мамлакатда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий қарама-қаршиликларга йўл қўйилмаганини Ўзбекистон мустақиллик йилларида қўлга киритган энг асосий ютуқ, деб ҳисоблайди (сўралганларнинг 80 фоизи). Жамоатчилик фикри Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эътироф этилиши, демократик, ҳуқуқий давлат асосларининг яратилиши, иқтисодиётда туб ўзгаришлар, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг маънавий тикланиши, таълим тизими ва фуқаролик тарбиясини шакллантириш каби муҳим ютуқларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Жамоатчиликда жамиятда кўзланган мақсадларга эришишимиз учун ҳали катта ишларни амалга оширишимиз лозим, деган тушунча мавжуд. Бу борада қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш, демократикислоҳотларни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш учун янги қонунлар қабул қилиш зарур.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз мустақилликнинг ўн йили давомида асрларга татигулик катта йўлни босиб ўтди ва бугунги кунда мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнини орқага қайтариб бўлмаслиги аниқ. Халқимизнинг ҳозирги пайтдаги фикрлаши бундан ўн йил олдингисидан, таъбир жоиз бўлса, осмон билан ерча фарқ қилади.

**— Одамлар янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга қандай кўникяпти, уларнинг ҳаётга муносабатида қандай ўзгаришлар кузатиляпти?**

— Фуқароларимизнинг турли ижтимоий институтлар ва янгича ахлоқий қарашларга бўлган муносабати, мувофиқ тарзда бўлмаса-да, ҳаётдаги ўзгаришлар таъсири остида яққол сезилиб турибди. Хотин-қизларга (81 фоиз), қонунларга (75,1 фоиз), инсон ҳуқуқларига (62 фоиз) ҳурмат кўрсатишдек ахлоқий қарашлар тобора яққол кўзга ташланмоқда. Сўралганларнинг 40,2 фоизи ўзгача фикрларга ва ҳаётий қарашлари бошқаларникидан фарқ қилувчи кишиларга нисбатан бағрикенгликни янада ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди.

Жамоатчилик фикри муҳим бир йўналишни аниқлаб берди. Кўпчиликнинг фикрига кўра (90 фоиз), диндорлар ҳуқуқлари чекланмаётгани, эътиқод эркинлиги учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига нечоғлик амал қилинаётганига ёрқин мисоллардан биридир.

Ўзбекистон фуқаролари диний ва дунёвий қадриятлар ҳақида аниқ тушунчага эга. Сўровда иштирок этганларнинг (92,8 фоиз) фикри аҳоли онгида барча фуқаролар моддий ҳолати, ижтимоий мақоми, дини, миллатидан қатъий назар қонун олдида баравар деган тасаввур ўрнашганини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда жамоатчилик фикри аҳоли ижтимоий ривожланишининг маҳсулигина бўлиб қолмай, балки унинг ўзи ҳам ҳаётдаги ўзгаришларга таъсир кўрсатмоқда. У ижтимоий маданий ҳодиса сифатида жамиятимиз ижодий салоҳиятининг янги манбаига айланди. Жамоатчилик фикрини пухта ўрганиш давлат тараққиёти стратегиясини аниқлашда, аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳларига нисбатан давлат сиёсатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

**ЎзА мухбири А. ИВАНОВА суҳбатлашди.**

## Ёзёвон — фермерлар юрти

(Давоми. Боши 1-бетда).

1999 йилдан бошлаб, ифодали қилиб айтганда, ёппасига фермерлаштириш бошланди. Шу йили фермер хўжаликлари сони 345 тага етказилди. Уларнинг аксарият қисми боғдорчилик ва чорвачилик соҳаларида фаолият кўрсатарди. Секин-аста қишлоқдаги ислоҳот қалдирғочлари пахтачилик, дончилик тармоғига ҳам кириб кела бошлади. Агар 1999 йилда туманда жами пахта майдонларининг 9,2 фоизи ёки 720 гектари фермерлар ихтиёрига берилган бўлса, орадан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 29,3 фоизга кўтарилди. Энди фермерлар туман пахта майдонларининг 2290 гектарига ёки учдан бир қисмига эгалик қила бошлашди. 2000 йилга келиб, сўнгги етти йил ичида илк марта ёзёвонлик пахтакорларнинг қадди тик бўлди: пахта тайёрлаш шартнома режаси барвақт уддаланди.



Аслида ғолиблик юришини ғаллакорлар бошлаб беришганди. 1999 йилда 311 гектар, тумандаги жами ғаллазорларнинг 5,4 фоизида деҳқончилик қилган ғаллакорлар бир йилда бу кўрсаткични 1063 гектарга ёки 18,4 фоизга етказдилар. Бу эса фақат йиллик режани уддалашни таъминлабгина қолмай, келгуси йил учун ҳам муносиб замин ҳозирлади. Ўтган йили ёзёвонликлар вилоятдаги 15 та туман орасида биринчилардан бўлиб дон тайёрлаш шартнома режасини бажаришди. Шоҳсупага дадил кўтарилишда эса ғалла майдонларида фермерларнинг улуши 40 фоизга етказилганлиги, бошоқли дон экилган 5770 гектар майдоннинг 2311 гектари уларга узоқ муддатга фойдаланишга топшириб қўйилганлиги муҳим омил бўлди.

Ҳозир ёзёвонликларнинг чўл шароитида мўл ғалла етиштириш бўйича маҳоратини Марказий Фарғона шароитидаги тажриба мактаби, деб айтиш мумкин. Мана, ўзингиз солиштириб кўринг: ўтган йили жамоа хўжаликларида 1999 йилга нисбатан 8,1 центнер кўп ҳосил олинган бўлса, фермер хўжаликларида ҳосилдорлик деярли икки баробар — 17,3 центнерга ортди. Жамоа хўжаликлари дон етиштиришдан зарар кўраётган бир пайтда фермерлар йилни 33,6 миллион сўм соф фойда олиш билан якунлашди. Рентабеллик даражаси эса 17 фоизни ташкил этди.

Фермерлар эришаётган салмоқли ютуқлар, айниқса, пахтачиликда янада кўпроқ кўзга ташланади. Мисол учун, жамоа ва ширкат хўжаликлари 1999 йили 83,6 миллион сўм, 2000 йилда 332,8 миллион сўм, ўтган йили эса 180 миллион сўм зарар кўрган бўлса, фермерлар 2000 йили 26,1 миллион сўм, 2001 йилда эса 158 миллион сўм соф фойда олишди. Рентабеллик даражаси эса 24,1 фоиздан 26,5 фоизга кўтарилди. Айни пайтда ширкат ва жамоа хўжаликларида бу кўрсаткич — 3,1 фоиздан 10,3 фоизга тушиб кетди.

Хўш, ширкат, жамоа хўжаликларининг тобора қарз ботқоғига ботаётганига сабаб нима? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, эскича услубда ишлаётган хўжаликларда ҳамон кўп кишилик бошқарув маъмурияти сақланиб қолган, харажатлар сарфи ортиқча. Ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун фермер хўжаликлари 6417 сўм сарфлаган ҳолда, жамоа хўжаликларида бу кўрсаткич 9582 сўмга кўтарилиб кетгани бунга мисол бўла олади. Бунга фермерлар қандай қилиб эришмоқдалар?

Адҳамжон Шерматов беш йил аввал Навоий номли жамоа хўжалигида «Толқудуқ-97» фермер хўжалигини ташкил этган эди. Мутахассислиги агроном бўлган Адҳамжон янги ўзлаштирилган ерларни ўз ихтиёрига олгач, ёнига чўл шамолини суядиган 30 дан зиёд ёшларни бирлаштирди. Ўтган йили 72 гектар пахта майдонидан режадаги 30,7 центнер ўрнига 38,9 центердан ҳосил олинди, дон ҳосилдорлиги 45,5 центнерга етди. Рентабеллик даражаси 22,5 центнердан 31,1 центнерга кўтарилди. Соф фойда эса кўзланганидан икки баробар ортиб, 9383 минг сўмга етди.

Шаробиддин Исроилов етакчилик қилаётган «Ҳумо» фермер хўжалигида эса ғалла ҳосилдорлиги чўл шароитида энг юқори даражага етказилди. 34 гектар майдондан 46,4 центнердан дон йиғиштириб олинган бўлса, шартнома режасида белгиланган 25 тонна ўрнига 98,3 тонна ғалла давлат омборларига топширилди. Пахта ҳосилдорлиги эса 34,4 центнерни ташкил этди.

Ёзёвон фермерларининг юзи-кўзи бўлган бундай жамоалар сафи тобора кўпайиб бораяпти.

Янгича ишлаш, қишлоқ хўжалигига янгича муносабат ёзёвонликларни фермерлик ҳаракатини янада кенг ёйишга ундади. Илгари фермерликка анча эҳтиёткорлик билан ўтилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилингандан сўнг фермер бўлиш истагини билдирганлар сони 4-5 баробар ортиб кетди. Натижада фермерларга ажратилаётган ерлар танлов асосида бериладиган бўлди. Танлов қатнашчилари учун низом, қоидалар тартиби ишлаб чиқилди. Шулар асосида фермерларнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги билимлари, қобилиятлари, маблағ манбалари ва бошқа омиллар ҳар томонлама ўрганилди. Пировардида 254 талабгорга узоқ муддат фойдаланиш учун ер берилди. Уларнинг ҳар бирига ўртача 32 гектардан ер ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, шунингдек, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини фермер хўжаликлари масканларига яқинлаштириш борасида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Вилоят «Пахтабанк»ининг филиаллари, «Фарғонанефтмаҳсулот» корхонасининг ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи шохобчалари, «Қишлоқхўжалик кимё» бирлашмасининг минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар етказиб берувчи бўлинмалари, муқобил машина-трактор парки, хўжалик ҳисоби асосида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди. Бу ёрдамчи тизим раҳбарларининг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Жамолиддин ҒОИПОВ, «Фарғонанефтмаҳсулот» корхонаси раҳбари:**

*— Фермерларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш энг мураккаб муаммолардан эди. Чунки айрим фермерлар 200-300 литр ёнилғи учун 40-50 километр йўл босиб, Фарғона шаҳрига бориб-келишга мажбур эди. Транспорт харажатига камида 10-15 минг сўм маблағ сарфланарди. Энди фермерлар бу ташвишдан бутунлай қутилди. 370 тонна дизель ёнилғиси, 150 тонна бензин сақланадиган цистерналар, замонавий тақсимлаш ускуналарига эга филиал бунёд этилди.*

**Баҳодир ОХУНОВ, вилоят «Пахта-банк»и бошқарувчиси:**

*— Фермер учун банк хизмати анча муаммоли масала ҳисобланади. Банк мижозга қанча яқин бўлса, ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат шунча ортади. Фермерларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, 7 жойда туман «Пахта-банки»нинг мини банклари очилди. Бу банклар фермерлардан ташқари ўша қишлоқлардаги аҳолига ҳам хизмат қилади.*

Туманнинг тўла фермер хўжаликларига айлантирилиши ширкат ва жамоа хўжаликлари бошқарув аппаратини 845 кишига қисқартириб, камида 80 миллион сўм маблағни тежаш имконини бермоқда.

Навоий номли ширкат хўжалигининг икки қаватли биноси пештоқида «Фермерлар уйи» деган лавҳа пайдо бўлганига эса ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин Ёзёвон ҳақида гап кетганда «Фермерлар юрти» деган сўз қўшиб ишлатилишига кўпчилик фарғоналиклар ўрганиб қолишди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

Инфратузилма

# Ҳар қишлоқда шифохона

### бошқа шароитларимиз ҳам шаҳарликларникидан қолишмайди, — дея ғурурланишади хўжаободликлар

Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Андижонда ҳам хонадонларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, халқ таълимини янада ривожлантириш борасида катта ишлар қилинаётир. Жумладан, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Хўжаободда ер ости газ омбори қуриб битказилди. «Хонобод-Андижон» сув йўли барпо этилди. 1640 километрга яқин табиий газ тармоқлари қурилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоят дастури ишлаб чиқилиб, у изчил амалга оширилмоқда.

Самарами? Бундан уч йил илгари 52 фоиз хонадонга газ кириб борган бўлса, ҳозирга келиб, бу кўрсаткич етмиш фоизга етди. Бошқача айтганда, 315 минг хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, биргина ўтган йилнинг ўзида учта қишлоққа тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Пировардида, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси тўқсон фоизни ташкил этди.

Бу борада, айниқса, Хўжаобод туманида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

## Бир хонадонки...

**«Ҳеч бир қишлоқ ёки маҳалла йўққи, газ, ичимлик суви кириб бормаган бўлсин. Бироқ бу йўналишда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор».**

*(туман ҳокими билан суҳбатдан).*

Мадиёров номли хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчи Абдулҳамид ака уйида бўлганимизда, гап айланиб, қишлоқ аёллари шароитига бориб тақалди. Шунда хонадон соҳибаси Гулрухсор ая бундай деди:

— Аёлларнинг жони қирқта, ўзи темирдан, десалар ишонаверинг, ўргилай. Чумолида тиним бўлса борки, уларда йўқ. Ҳайрият, уйимизга газ, сув келиб, анчайин енгиллашдик. Жонимизга оро кирди улар. Ишонасизми, тандирниям газда қиздириб, оловида нон пишираяпмиз. Илгари қаерда эди бу қулайликлар, дейман гоҳида ўзимга ўзим.

Абдулҳамид акаларнинг қишлоғи вилоятнинг энг чекка, олис қисмида жойлашган. Бироқ бугун бу жойларга ҳам газ, сув етиб боряпти. Янги маҳаллалар электрлаштирилмоқда. Мақсад эса битта: қишлоқ аёллари ҳам Истиқлол берган имконият ва неъматлардан тўла баҳраманд бўлсин.

Ўтган йили биргина ана шу мақсадлар учун Мадиёров номли хўжаликда 15 миллион сўм маблағ сарфланиб, 3,5 километр масофага газ қувурлари тортилди. «Дўстлик», Бобур номли, Абдулла Қаҳҳор номли ширкат хўжаликларида «зангори олов» ёна бошлади. Ўнта хўжаликнинг ҳар бирида эса маълум масофага ичимлик сув тармоғи ётқизилди.

— Жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига кўра, аҳоли хонадонларининг 72,5 фоизи газлаштирилди, 86,8 фоиз аҳоли ичимлик сувига эга бўлди, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ўктамжон Охунов. — Хўжаобод шаҳри билан Хўжаобод фуқаролар йиғини ҳудудидаги уйлар эса юз фоиз газ ва сув билан таъминланган. Шуниси аҳамиятлики, ана шу мақсадлар учун ишлатилаётган капитал қўйилмалар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Туманимиз бўйича олиб кўрадиган бўлсак, ўтган йили газлаштириш учун 71 миллион сўм, тоза ичимлик суви учун 17 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу йил «Дўстлик», Ҳамза номли, А.Қаҳҳор номли хўжаликларга газ, «Иттифоқ» ширкат хўжалиги маҳаллаларига эса сув тармоғи кириб боради.

Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Чунончи, аввалдан ишлатиб келинган қувурларнинг бир қисми эскириб, талабга жавоб бермай қолди. Уларни янгилаш мақсадида биз Тошкентдан бир гуруҳ мутахассисларни таклиф этдик. Улар янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар.

## Болажонлик

**«Чекка қишлоқлардаги мактаблар фақат билим даргоҳигина эмас, айни дамда ўша ҳудуд учун маданият маркази ҳам ҳисобланади»**

*(Туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тожиддинов билан суҳбатдан)*

Туман ҳокими қарорига биноан, ҳар ойнинг 17-куни «Мактаблар (боғчалар) куни» деб эълон қилинган. Туман «Хўжаобод» газетаси ҳар ойда бир марта ўз саҳифаларини халқ таълими учун ажратади. Ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўпланган илғор тажрибалар кенг оммалаштирилади. Мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатиш учун бириктиб қўйилган ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳокимлик вакили белгиланган кунлари «ўз мактаби»га бориб, аҳвол билан танишади. Эртаси куни эса улар ҳокимликда мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари иштирокида қилинган ва режалаштирилган ишлар юзасидан ҳисоб беришади.

— Ўттизта мактабнинг 29 тасида бўлдим, — дейди ҳоким. — Яширмайман, анчагина мактабларнинг бинолари таъмирталаб бўлиб қолган экан. Айниқса, 6-, 16-мактаблар. Улар ҳомийларнинг беминнат ёрдамида қаддини тиклади. Масалан, Бобур номли ширкат хўжалиги 377 минг сўм, мева қуритиш корхонаси 500 минг, Ҳамза номли ширкатлар уюшмаси салкам 400 минг сўм маблағ ажратди...

Бугуннинг мактаби, боғчаси қандай бўлиши керак? Унинг кутубхонасидан исталган адабиётни топиш мумкинми? Спорт-анжомлари етарлими, фан кабинетлари, синф хоналари давр талаби асосида жиҳозланганми? Янги педагогик технологияларни қўллаш ишлари қандай кетаяпти? Хоналарни компьютер билан таъминлаш-чи? Модем — қулай ва тезкор алоқа эканини мактаб жамоалари тушуниб етдими? Хўжаободда бу саволларга босқичма-босқич ечим топиляпти.

## Кўп нарса инсон руҳиятига боғлиқ

**«Бир пайтлар тошлоқ ерларда боғ-роғлар яратган, ўнлаб муҳташам бинолар қурдирган Масодиқ ота Мадиёров умрининг охирларида «Шунча ҳашаматли иморатларни тиклашга тикладиг-у, улар биздан кейин нима бўлади?», дея ташвишланган экан. Биз ўша биноларга иккинчи умр бағишладик, керак бўлса, бутунлай янгиладик».**

*(Нанай қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одилжон Сатторов билан суҳбатдан).*

Ҳозирга қадар вилоятнинг саккиз ҳудудида «Шошилинч тиббий хизмат» маркази иш бошлади. Аввалдан айтиб қўяйлик, Хўжаободдаги марказ кўп жиҳатлари билан бошқа сиҳатгоҳлардан кескин фарқ қилади. Мутасаддилар сиҳатгоҳ учун Мадиёров номли хўжаликнинг барча талабларга тўла жавоб берадиган, келиб-кетувчилар учун ҳам қулай бўлган тўрт қаватли маъмурий биносини танлашди. Уни тўла таъмирлаш, олд қисмини рангли ойналар билан ўраш учун 150 миллион сўм сарфланди.

Туман шифохоналарида шу кунга қадар жарроҳлик бўлими йўқ эди. Шу боис беморларни қўшни Булоқбоши туманига ёки Андижон шаҳрига олиб боришарди.

— «Шошилинч тиббий ёрдам» марказида жарроҳлик бўлими ҳам бўлиши шарт, — деди ҳоким. — Бўлимни энг замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлаймиз.

Орадан кўп ўтмай, Югославиядан «ақлли» аппаратлар келтирилди. Яқин орада бўлим Япониянинг эндоскопик, компьютерли «Узи» аппартига ҳам эга бўлади.

Сиҳатгоҳ биносининг ички йўлакларига оддий плита эмас, Нурота мармари ётқизилди. Хоналар туман ҳунармандлари, аниқроғи, «Турғунбой ҳожи» фирмаси усталари қўлидан чиққан, хорижникидан сираям қолишмайдиган, нархи арзон, бежирим мебеллар билан жиҳозланди. Беморни ётган хонасининг ўзида рентгендан ўтказиш йўлга қўйилди. Беморларни йўқлаб келувчилар учун ҳам махсус хоналар ташкил этилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Кейинги йилларда ҳар бир қишлоқ ўз шифохонасига эга бўлаётир. Чунончи, ўтган йили «Иттифоқ», «Дўстлик» ширкат хўжаликларида қишлоқ врачлик пунктлари бинолари қуриб битказилди. Манак қишлоғи шифохонаси қайта таъмирланиб, шу куннинг талабига жавоб берадиган сиҳатгоҳга айлантирилди. А.Набиев номли ширкат хўжалиги ўз маблағи ҳисобига бир кеча-кундузда эллик нафар беморни қабул қилиш имконига эга бўлган қишлоқ врачлик пункти биносини барпо этди. Бу даргоҳ Наврўз байрами кунлари ўз эшикларини очди.

— Шунча ғамхўрликлар, саъй-ҳаракатларни кўриб, руҳинг кўтарилади, — дейди хайрлашиш олдидан вилоят қирғиз миллий маркази раҳбари, меҳнат фахрийси Қодиржон ака Маматов. — Эртанги кунга ишончинг мустаҳкамланади. Шундай тинч, осуда юртда яшашнинг ўзи бир бахт эканини юрак-юракдан ҳис этасан, киши...

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уларнинг ҳар бири 4-5 минг нусхадан чоп этилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Айрим туман ва шаҳар газеталари эса техник ҳамда полиграфик жиҳатдан ночор босмахоналарда нашр этилмоқда. Муассислар билан журналистлар ўртасида мустаҳкам ҳам-

# МАТБУОТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

корлик йўқ. Чунончи, юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Олмалиқ шаҳрининг «Олмалиқ ҳақиқати» газетаси атиги 750 нусхада чоп этилаётгани, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги муассислик қиладиган «Бўстонлиқ овози» газетаси таҳририятининг меҳнат шароити талабга жавоб бермаслиги, Зангиота, Бўка, Юқори Чирчиқ туман газеталари ҳамон эскича — юқори босма усулида чоп этилаётгани ачинарлидир. Депутатлар ишчи гуруҳининг текшируви шуни кўрсатдики, қаерда «тўртинчи ҳокимият»га ва умуман маънавиятга эътибор катта бўлса, ўша ерда оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлиги ошиб, газетхонлар сафи кенгаяверади. Энг муҳими, юқорида тилга олинган қонун талабларига оғишмай амал қилиш матбаачилик фаолиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил эканлигини унутмаслик лозим.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЖХОНА МАЖМУИДА УЧРАШУВ

**Ўзбек ва қозоқ халқларини азал-азалдан қон-қариндошлик ришталари боғлаб туради. Неча асрларки, бу икки халқ тинч-тотув, самимий қўшничилик руҳида ҳаёт кечириб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳар иккала давлат ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг янги, янада юқори поғонага кўтарилди.**

**Ўзаро келишувга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ў.Комилов мамлакатимиз билан чегарадош Жанубий Қозоғистон вилоятининг «Жибек-жолы» божхона мажмуида Қозоғистон Республикаси давлат тушумлари вазири З.Қакимжонов билан учрашди.**

**Мулоқот чоғида томонлар ҳар икки давлат божхона органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожидан мамнунлигини, пировардида, бундай алоқаларнинг кенгайиши икки қўшни мамлакат халқлари манфаатига мос келишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида божхона фаолияти масалалари бўйича имзоланган ҳукуматлараро ва идоралараро битимлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар икки давлат ўртасидаги мавжуд дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр эканликларини билдирди.**

**Учрашувда икки мамлакат божхона органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

Муносабат

# МЕН НИМА ДЕЙМАНУ, ҚЎБИЗИМ НИМА ДЕЙДИ?

### Ёхуд таҳририятга келган бир расмий жавоб хусусида

